

## КЎЧИШ ЖАРАЁНИ - ТАРЖИМАДАГИ НОЗИК ҚИРРА СИФАТИДА

*Каримова Гулишод Маматкадировна*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти, PhD*

**Аннотация:** мақолада тилдаги туркумлараро кўчиш ҳодисасининг қандай шаклларда рўй бериш жараёни ва унинг аҳамияти назарий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, кўчишнинг таржимадаги роли амалий исботланган.

**Калит сўзлар:** тил системаси, тил белгилари, туркумлараро кўчиш, морфологик-синтактик сатҳ, лексик-грамматик маъно, тилнинг лексик-грамматик қурилиши, луғат бойлиги, таржима жараёни.

Ўзининг асосий ёпиқ категорияларида тил белгилари нутқнинг кўп сонли талабларини қондириш учун жуда чегараланган воситалар сифатида хизмат қилади. Лекин сўз туркумлари ўртасидаги алмашинув туфайли фикр ифодаси анча эркин бўлади ва мазмун жиҳатдан кенгайиб, турли маъно нозикликларга эга бўлади. Демак, нутқ жараёнида туркумлараро алмашинувнинг услубий аҳамияти катта.

Маълумки, ҳар бир сўз туркуми ўзига хос семантик-грамматик белгиларга эга. Сўзлар ўз туркуми доирасидаги вазифаларни бажариши, унга хос бўлган лексик-грамматик хусусиятларга эга бўлиш билан бирга бошқа сўз туркуми вазифасида ҳам қўлланиши мумкин. Тил сатҳида от, сифат, сон ва олмош узвий алоқадордир. Бунинг асосий сабаби ҳали сўз туркумлари орасида қатъий фарқланиш бўлмаган даврларга, яъни бобо тилда от, сифат, сон олмошларнинг ҳаммаси умумий исм туркуми доирасида бўлган деб тахмин қилинишига бориб тақалади. Шунинг учун нутқ жараёнида нарсани белгиси ёки миқдори орқали аниқлаш ҳодисаси – кўчиш анча фаол учрайди. Сўзнинг морфологик-синтактик сатҳдаги кўчиши тилда жуда катта рол ўйнайди. Зеро, бундай кўчиш тилнинг номинативлик имкониятини кенгайтириб, ифодалаш усуллариининг ранг-баранг бўлишига хизмат қилади. Сўз туркумлари ўртасида юз берувчи морфологик-синтактик кўчиш ҳодисасида лексик бирлик фақат матнда бошқа туркумга хос бўлган белгиларга эга бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу ўринда маънода торайиш, моҳиятни ойдинлаштиришнинг кучайиши кузатилади. Амалий жиҳатдан қараганда, қарийб ҳар қандай сўз бир туркумдан бошқасига ўтиши мумкин. Мустақил лексик birlikларнинг нутқда ёки ундан ташқарида ҳам ёрдамчи сўз ёхуд қўшимчаларга айланиши узок тарихий тараққиёт жараёнида шаклланади. Тилдаги сўзларнинг ўзаро таъсири, доимий ривожланиши мазкур ҳодисани келтириб чиқарувчи омиллардан ҳисобланади.

Маълумки, тилдаги ўзгаришлар бирдан содир бўлмайди, балки аста-секин, асрлар давомида юзага келади ва шаклланади.

Категориялар ўртасидаги кўчиш жараёнида функционал алмашинув ва тўлиқ кўчиш ўзаро фарқланади. Нутқ ходисаси ҳисобланмиш функционал алмашинувда сўздаги синтактик вазифа ҳамда морфологик парадигманинг ўзгариши асосий рол ўйнайди. У сўзнинг нутқ сатҳида бошқа туркум вазифасини бажариш учун мослашуви бўлиб, ифода усуллари ра ранг-баранг қилиб, нутқнинг услубий жиҳатдан ихчам бўлишини таъминлайди.

Кўчишнинг иккинчи кўриниши тўлиқ кўчиш бўлиб, бундай сўзлар кўчган туркумига хос барча белгиларга эга бўлишади. Шу туркум таркибини бойитади. Тўлиқ кўчган сўзларда иккинчи туркумга хос хусусият турғун ва доимийдир. Тўлиқ кўчиш тил ходисасидир. Сўзлар нутқ эҳтиёжи туфайли муайян шароитларда бир лексик-грамматик категориядан бошқа бир грамматик категорияга ўтади. Бунда сўз ўзининг аввалги бир қанча белгиларини йўқотади ва шу билан бирга янги жиҳатларга ҳам эга бўлади. Чунки сўздаги лексик маънонинг сусайиши ёки бутунлай йўқолиши унинг луғат бойлигидан ўчирилди, дегани эмас. Энди у бошқа мақомда инсонлар томонидан ишлатила бошлайди. Сўзнинг грамматик моҳияти, маъноси ўзгаради. Мустақил сўз туркумларига кирган лексик бирликлар морфологик-синтактик жиҳатдангина эмас, лексик-семантик томондан ҳам ўзгариб, ёрдамчи сўз туркумлари ёки қўшимчалар категориясини ташкил этади. Юқорида қайд қилинганидек, аташ маъносига эга унсурларнинг грамматик бирликларга ўтиши тасодифан содир бўлмайди. У сўздаги кейинги туркумга хос характерли хусусиятларнинг узок вақт мобайнида тўпланиши ва аввалги сўз туркумига хос семантик-грамматик ҳолатнинг кучсизланиши натижаси ўлароқ вужудга келади. Мазкур жараёнлар фикрни образли ифодалашга хизмат қилиб, унга турли маъно нозикликларини қўшади. Улар ўзаро тенг ходисалар эмас, балки бир-бирини тақозо этувчи мураккаб жараёнлардир. Биз уларнинг орасига хитой девори қўймоқчи эмасмиз. Иккала ҳодиса ўртасида шундай бир ҳарир, товланувчи парда борки, парданинг у томонига ўтсангиз бошқача, бу томонида янада ўзгача ҳодисага дуч келасиз. Асосий фарқ: иккинчи кўринишнинг хотимаси сифатида грамматик маъноли бирликларнинг тил системасида пайдо бўлишидир. Натижада илгари нутқда вариант мақомида ишлатилган бирлик тилдаги инвариантга айланади.

Биз қанчалик кўп сўз билсак, луғат бойлигимиз шунчалик бой бўлиб, чиройли ва мазмунли нутқ сўзлаш имкониятимиз ошади. Ўз навбатида бошқалар билан ўзаро мулоқотимиз қизиқарли тус олади. Инглиз тилида жуда кўп ҳолларда турли сўз туркумларига мансуб сўзларнинг ёзув ва талаффузда бир хил бўлиб қолиши кузатилади. Масалан, феълнинг инфинитив ёки бош келишик, бирлик шаклидаги отларни олайлик: : *telephone* от. (*telefon*) ва *telephone* феъл.

(телефон қилмоқ / телефон орқали хабар қилмоқ). Мазкур сўзлар нутқ таркибида нафақат синтактик вазифаларига кўра, балки морфологик жихатдан парадигма ҳосил қилиш хусусиятлари билан ҳам ўзаро фарқланади. Феъл вазифасидаги *telephone* сўзи *telephones, telephoned, telephoning* шаклларига эга бўлса, бирликдаги от *telephone* кўпликда ишлатила олади: (*many*) *telephones*.

Демак, кўчиш тилнинг лексик-грамматик қурилишини бойитувчи унумли воситалардан ҳисобланиб, янги жараёнлар сари йўл очади. Кўчиш ҳолатида бўлган тил бирликларини оғзаки ва ёзма таржима жараёнида ўрнига қараб иккинчи тилга ўгириш эса таржимондан бу соҳадаги керакли билим, малака ҳамда кўникмани талаб этади. Шунингдек, мазкур ҳодиса инглиз тилини ўрганувчилар учун ҳам катта имконият яратади. Зеро, бу тилнинг луғат бойлигини ёдлаётган инсон барча босқичларда турган лексик ҳамда грамматик бирликларни биргаликда миясида сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Натижада ўзи билмаган ҳолда кўпроқ луғат бойлигига эга бўлиб бораверади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – Л.: Просвещение, 1981. – 295 с.
2. Бархударов Л.С., Штелинг Д.А. Грамматика английского языка. Москва: Высшая школа, 1973. – 421 с.
3. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 267 с.
4. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – 284 бет.
5. Karimova G.M. Грамматикализация жараёнининг ўзига хослиги. IJORCES International journal of conference series on education and social sciences. ISSN 2717-7076. Publisher: Ocerint-International organization cente of academic research.
6. Karimova G.M. Some comments on complete grammar. ACADEMICIA: An International Multisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 SJIF 2021=7.492. DOI: 10.5958/2249-7137.2021.02437.X.
7. Karimova G.M. O'ZBEK TILINI CHET TILI SIFATIDA O'QITISHDA OG'ZAKI VA YOZMA NUTQNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI\\ JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS\\ Volume-26\_Issue-1\_April\_2023 <http://www.newjournal.org/>
8. Ҳошимов У., Бўронов Ж. Инглиз тили грамматикасининг норматив курси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. -144 бет.